

ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 24/30.12.219.GM.96.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

ҚУРБОНОВ ЭЛБОЙ ШАВКАТОВИЧ

**КОНЛАРНИ ЕР ОСТИ УСУЛИДА ҚАЗИБ ОЛИШДА МУҲАНДИС-
ГЕОЛОГИК ШАРОИТЛАРИНИ ЎЗГАРИШИ (ҒУЖУМСОЙ ВА
ХОДЖАДИК КОНЛАРИ МИСОЛИДА)**

04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Қурбонов Элбой Шавкатович

Конларни ер ости усулида қазиб олишда муҳандис-геологик шароитларини ўзгариши (Ғужумсой ва Ходжадик конлари мисолида).....3

Курбанов Элбой Шавкатович

Изменения инженерно-геологических условий при подземной разработке месторождений (на примере Ғужумсайского и Ходжадикского месторождения).....21

Kurbanov Elboy Shavkatovich

Changes in engineering and geological conditions during underground development of deposits (on the example of the Guzhumsai and Khojadik deposits).....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 24/30.12.219.GM.96.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

ҚУРБОНОВ ЭЛБОЙ ШАВКАТОВИЧ

**КОНЛАРНИ ЕР ОСТИ УСУЛИДА ҚАЗИБ ОЛИШДА МУҲАНДИС-
ГЕОЛОГИК ШАРОИТЛАРИНИ ЎЗГАРИШИ(ҒУЖУМСОЙ ВА
ХОДЖАДИК КОНЛАРИ МИСОЛИДА)**

04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2021.4.PhD/GM120 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гидрогеология ва инженерлик геологияси институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз-резюме) Илмий кенгаш веб-
саҳифасида (www.hydroengeo.uz) ва "ZiyoNet" Ахборат таълим порталида
(www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Қаюмов Абдубоқи Джалилович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Исмаилов Ваҳидхан Алиханович
геология-минералогия фанлари доктори, профессор
Туляганов Баходиржон Исмаилович
геология-минералогия фанлари номзоди катта илмий
ходим

Етакчи ташкилот: "Ўзбекгидрогеология" Давлат унитар корхонаси

Диссертация ҳимояси Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти
ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 24/30.12.219.GM.96.01 рақамли Илмий
кенгашнинг 2022 йил "19" март соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:
100041, Ташкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64 уй. Тел.: (+99871) 262-75-92; факс: (+99871)
262-75-15; e-mail: gidro_ilmkeng@mail.ru).

Диссертация билан Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти
кутубхонасида танишиш мумкин (50- рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:
100041, Ташкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64 уй. Тел.: (+99871) 262-75-92; факс: (+99871)
262-75-15; e-mail: gidro_ilmkeng@mail.ru.

Диссертация автореферати 2022 йил "10" март кuni тарқатилди.
(2022 йил "10" март даги 05- рақамли реєстр баённомаси).



С.А.Бакиев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
г.-м.ф.д., профессор

М.Р.Жўрасев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
г.-м.ф.бўйича фалсафа доктори (PhD)

Х.И.Хабибуллаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш
қошидаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёнинг барча мамлакатларида фойдали қазилма конларидан фойдаланиш даврида муҳандис-геологик ва гидрогеологик шароитларни ўзгариши ҳисобига юзага келиши мумкин бўлган техноген жараёнларни прогноз қилиш ва оқибатларини камайтириш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Бу борада фойдали қазилма конларида шаклланадиган техноген жараёнларни мажмуавий изланишлар орқали баҳолаш ва белгиланган муддатларда прогноз қилиш, жараён оқибатларини камайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Конлардан фойдаланиш вақтида кутиладиган техноген жараёнларни баҳолаш тадқиқотлари фойдали қазилма кон ҳудудларига эга бўлган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий, барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Дунёда фойдали қазилма конлардан фойдаланиш вақтида содир бўладиган техноген жараёнларни баҳолаш билан боғлиқ бўлган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, турли конларнинг муҳандис-геологик ва гидрогеологик моделларини яратиш, уларни тоғ жинсларини ҳисобга олган ҳолда техноген жараёнларини баҳолаш, очиқ ва ёпиқ конлардан фойдаланиш вақтида кутилаётган техноген жараёнларни аниқлаш услубиятини такомиллаштириш ва конлар жойлашган ҳудудни муҳандис-геологик ва гидрогеологик кўрсаткичлари бўйича баҳолаш хариталарини тузишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда фойдали қазилма конларини ер остидан хавфсиз, самарали ва сифатли қазиб олиш учун муҳандис-геологик ва гидрогеологик тадқиқот ишларини олиб бориш бўйича муаян ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, конларни муҳандис-геологик ва гидрогеологик омилларини аниқлаш асосида, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳудудларидаги йирик фойдали қазилма конлари мукамал баҳоланган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегисида «Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, ... салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш»¹ бўйича устивор вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, конларни ер ости усулида қазиб олишда, муҳандис-геологик ва гидрогеологик шароитларини ўзгариш жараёнларини аниқлаш ва баҳолаш, ҳамда фойдали қазилма конини муҳандис-геологик ва гидрогеологик моделини яратиш муҳим илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» фармони ва 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578-сонли «Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар Давлат кўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

¹ « Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

тўғрисида»ги, 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4740-сонли «Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси тизимида геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари, ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг VIII «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёни қайта ишлаш)» устувор йўналиши талабларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фойдали қазилма конларидан фойдаланиш вақтида ҳосил бўладиган муҳандис-геологик ва гидрогеологик муаммоларини (конни сув босиш, конни ер устки қисмида экзоген геологик жараёнларнинг ҳосил бўлиши ва конларда меъёрдан ортиқ қазиб олиш вақтида рўй берадиган муҳандис-геологик яъни, деформация жараёнларини) ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишларини жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари олимлари томонидан ўрганилган. Жумладан, Россиянинг кўплаб муҳандис-геолог ва гидрогеолог олимлари: Л.И.Барон, В.В.Белоусов, И.Г.Гончаров, А.М.Демин, Г.С.Золотарёв, П.П.Климентов, А.М.Овчинников, В.Д.Ломтадзе, С.И.Маленин, Л.И.Нейштадт, И.В.Попов, М.М.Протождяконов, М.В.Рац, С.Н.Чернышев, Е.М.Сергеев, Г.Г.Скворцов, Б.В.Смирнов, Г.Л.Фисенко шуғулланганлар. Ўзбекистонда конларнинг геологиясини: И.Х.Хамрабоев, А.А.Яковлев, М.П.Пўлатов, Н.А.Ахмедов, К.Тошқўзиев, В.А.Хорват А.И.Глотов, Э.И.Громова, Г.М.Чеботарев, Т.Э.Эшимов, Т.Ж.Тулегенов, М.М.Пирназаров, Н.Ф.Ҳамидуллаев, И.О.Ҳамроевлар, муҳандис-геологияси ва гидрогеологиясини: М.Ш.Шерматов, Ф.М.Арипова, Р.А.Ниязов, В.Д.Минченко, М.М.Мирасланов, А.М.Ахунжанов, Б.И.Тўлаганов ва бошқалар ўрганганлар.

Шу билан бирга, сўнгги даврларда Ўзбекистонда кўплаб янгидан янги фойдали қазилма конлари очилмоқда. Ҳозирга қадар фойдали қазилма конларидан очик усулда фойдаланиш вақтида содир бўладиган муҳандис-геологик ва гидрогеологик офатларни бартараф этиш бўйича кўплаб илмий таҳлиллар олиб борилган ва илмий-услубий йўриқномалар ишлаб чиқилган.

Бироқ, чуқур горизонтлардаги ер ости усулдаги қазиб олинадиган фойдали қазилма конларида содир бўлиши мумкин бўлган муҳандис-геологик ва гидрогеологик муаммоларни бартараф этиш ва конни мустаҳкамлик даражасини баҳолаш бўйича кўплаб илмий тадқиқотларни олиб бориш давр талаби ҳисобланмоқда. Ушбу илмий тадқиқот ишида ер ости усулда қазиб олинадиган фойдали қазилма конидаги муҳандис-геологик ва гидрогеологик шароитларнинг ўзгаришини шаклланиш моделини яратиш ва баҳолаш, ер ости усулда қазиб олинадиган конда содир бўладиган масалаларни ечишга имкон беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ходжадик конида (2016-2020йй.) ва Ғужумсой конида (2015-2020йй.) геологик, муҳандис-геологик ва гидрогеологик ишларни олиб бориш» мавзуларидаги амалий илмий-тадқиқот лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ғужумсой ва Ходжадик конларида муҳандис-геологик ва гидрогеологик ўзига хос шароитларини яхшилаш учун, кончилик ишларининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда фойдали қазилмаларни ер ости усулида қазиб олиш вақтида геологик табиий шароитга таъсир кўрсатадиган геологик, муҳандис-геологик ва гидрогеологик омилларни баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маъданли кон массиви мустаҳкамлигининг ўзгаришига таъсир этувчи тоғ жинсларининг хусусиятларини асослаш;

тоғ массивининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида асосий баҳоловчи деформацион параметрларини аниқлаш;

муҳандис-геологик ва гидрогеологик жараёнларнинг ўзгаришида кон иншоотининг мустаҳкамлик даражасига таъсирини аниқлаш;

деформация ходисалари ривожланган майдонларда муҳандис-геологик ва гидрогеологик жараёнлар таъсирида ўпирилиш ўпқонларини содир бўлишини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида фойдали қазилмаларни ер ости усулида қазиб олинадиган Ғужумсой ва Ходжадик конлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Ғужумсой ва Ходжадик конларини ер ости усулда қазиб олишда муҳандис-геологик ва гидрогеологик шароити ва ўзгариш хусусиятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда фактик материалларини илмий таҳлил қилиш, муҳандис-геологик ва гидрогеологик шароитлари ўзгаришини баҳолаш (дала муҳандис-геологик ва гидрогеологик ишларни шахта, штольняларда олиб бориш, олинган натижаларни лаборатория ишларида таҳлил қилиш ва тадқиқот натижалари) асосида, хариталар тузишни ўз ичига олган комплекс усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тоғ массивининг мустаҳкамлик хусусияти тоғ жинсларини минерал таркиби, ҳамда, майдон бўйича ўзгаришига узвий боғлиқлиги асосланган;

тоғ массивларининг барқарорлигини чуқурлик бўйича баҳоловчи деформацион параметрларини аниқлаш услублари такомиллаштирилган;

тектоник ёриқлардаги ер ости сувлари тоғ массивнинг табиий ва техноген шароитларини ўзгаришига олиб келувчи омиллари аниқланган;

деформация ривожланган майдонларда муҳандис-геологик ва гидрогеологик жараёнларнинг ўзаро таъсирида ўпирилиш ўпқонларининг ҳосил бўлиш сабаблари асосланган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўтказилган тадқиқотлар натижасида, конларда муҳандис-геологик шароитларни ўзгариши бўйича иккита усулда 1:1000, 1:2000, 1:5000 миқёсдаги муҳандис-геологик районлаштириш хариталари тузилган;

биринчи усулда – конларни ер ости усули бўйича районлаштириш харитаси тузилган бўлиб, конларни ўзлаштириш жараёнида муҳандис-геологик шароитларини ўзгариши ва ривожланишига қараб ҳудудларга (ўзгармас, ўзгарувчан, кучли ўзгарувчан) ажратилган;

иккинчи усулда – конларда тоғ жинсларнинг муҳандис-геологик шароитининг чуқурлик бўйича ўзгаришини баҳолаш харитаси тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Етарлича тафсилотлар (иш миқёси 1:1000, 1:2000, 1:5000) ва тадқиқот самарадорлиги, кўп миқдордаги фактик материалларни (хариталар ва графиклар тузиш учун 2 та кон иншооти, 10 дан ортиқ бурғи қудуқлари, 10 дан ортиқ булоқлар, 15 дан ортиқ тоғ жинси ёриқларидаги ўлчанган сувлар, бир нечта бурғи қудуқларидан ҳамда, шахта, штольнялардан олинган намуналарнинг физик-механик хосса ва хусусиятлари) муҳандис-геологик ва гидрогеологик тадқиқотларнинг амалдаги меъёрий ҳужжатларига мувофиқлиги, маҳаллий ва хорижий етакчи илмий журналларда муаллифлик ишлари билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, фойдали қазилма конларида муҳандис-геологик ва гидрогеологик ҳолатини ўрганиш, ўз навбатида, қазиб олиш жараёнида муҳандис-геологик жараёнларнинг ўзгаришини асослаб бериш ва кон ишларида самарали қазиб олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, конларни муҳандис-геологик ва гидрогеологик шароитларини муқаррар қонуний асосларга кўра, турли геологик жараёнларни олдиндан баҳолаш ва таҳлил қилиш, олиб борилаётган кончилик ишларининг барқарорлигини таъминлаш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғужумсой ва Ходжадик конларини дастлабки ва муфассал қидирув босқичларида олиб борилган ишларга кўра, узоқ муддатли кузатув таҳлили хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий тадқиқот натижалар асосида:

тоғ массивларининг барқарорлигини чуқурлик бўйича баҳоловчи деформацион параметрлар «Зармитан дала геологик қидирув экспедицияси» ва «Ҳисор дала геологик қидирув экспедицияси» амалиёт ишлари жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2021 йил 5 декабрдаги 04/33-сон маълумотномаси). Натижада, чуқур горизонтларида рўй бераётган деформация жараёнлар бўйича аниқ маълумот олишга имкон яратган;

ўпирилиш ўпконларнинг муҳандис-геологик ва гидрогеологик шароитлари ўртасидаги боғлиқлик «Зармитан дала геологик қидирув экспедицияси» фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2021 йил 5 декабрдаги 04/33-

сон маълумотномаси) Натижада, конни ўрганиш ва қазиб олиш жараёнида хавфсизлик чоралари бўйича қарор қабул қилишга имкон берган;

тоғ массивининг мустақкамлиги, тоғ жинсларининг минерал таркиби, майдон бўйича ўзгаришига узвий боғлиқлиги «Ҳисор дала геологик қидирув экспедицияси» фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2021 йил 5 декабрдаги 04/33-сон маълумотномаси). Натижада, Ходжадик конини техник иқтисодий баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари маъруза шаклида 6 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик PhD диссертациясининг илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 та республика ва 1 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 матнли бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижалар ишончлилиги асосланган ҳамда илмий, амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб «**Конларнинг ҳозирги замон ҳолати бўйича геологик, муҳандис-геологик ва гидрогеологик тадқиқот ишларини олиб борилиши**» деб номланган бўлиб, 3 та параграфдан ташкил топган.

Биринчи параграфда «*Конларни ўрганишда олдинги олиб борилган геологик ишлар*» таҳлил қилинган.

Иккинчи параграфда «*Олдинги олиб борилган муҳандислик- геологик ва гидрогеологик ишлар*» тарихига эътибор қаратилиб, тадқиқотлар ҳолати, минтақада изчил ривожланганлиги жиҳатдан ўрганилганлиги ёритилган бўлиб, конларнинг муҳандис-геологик ва гидрогеологик шароитини ўрганиш билан Россия ва хорижий давлатларнинг кўплаб муҳандис-геолог ва гидрогеолог олимлари: Л.И.Барон, В.В.Белоусов, И.Г.Гончаров, А.М.Демин, Г.С.Золотарёв, П.П.Климентов, А.М.Овчинников, В.Д.Ломтадзе, С.И.Маленин, Л.И.Нейштадт, И.В.Папов, М.М.Протодьяконов, М.В.Рац, С.Н.Чернышев, Е.М.Сергеев, Г.Г.Скворцов, Б.В.Смирнов, Г.Л.Фисенколар шуғулланишганлиги ва шуғулланишда давом этаётганлиги айтилади.

Ўзбекистонда конларнинг геологияси, муҳандис-геология ва гидрогеологиясини: И.Х.Хамрабаев, А.А.Яковлев, М.П.Пўлатов, Н.А.Ахмедов, К.Тошқўзиёв, В.А.Хорват, А.И.Глотов, Э.И.Громова, Г.М.Чеботарев, Т.Э.Эшимов, Т.Ж.Тулегенов, М.М.Пирназаров, Н.Ф.Ҳамидуллаев, И.О.Ҳамроев, М.Ш.Шерматов, Ф.М.Арипова, Р.А.Ниязов, М.М.Мирасланов, А.М.Ахунжанов, Б.И.Тўлаганов ва бошқалар ўрганган ва ўрганиб келмоқда.

Халқаро адабиётлар шарҳи шуни кўрсатадики, конларнинг муҳандис-геологияси ва гидрогеологиясини ўрганиш борасида, барча мамлакатлар орасида Россия, Қозоғистон, АҚШ, Канада, Туркия ва Япония юқори ўринларни эгаллаганлиги таъкидланди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир қанча фойдали қазилма конлари очилган. Иқтисодиётни ҳамда, саноатни ривожлантириш мақсадида рудалар қазиб олинмоқда. Фойдали қазилма конларини ўрганиш ҳамда қазиб олиш ишларини муҳандис-геологик ва гидрогеологик шароитини баҳолаш ва хавфсизлигини таъминлаш асосий муаммолардан биридир. Конни қазиб олиш ишларида, муҳандис-геологик ва гидрогеологик ишларни тўғри танлаш ва амалга ошириш талаб этилади.

Бугунги кунга келиб конларни ўрганиш ва ўзлаштиришда олдинги олиб борилган ишларни кўриб чиқиш керак, бу кейинги босқичда ишларни танлаб олиш имкониятини яратади.

1946 йилда Ўзгеобошқарма бош геологи И.М.Эвфименко Ўзбекистоннинг вольфрам ва қалай конларини қидириб топишда Чакликалян тоғлари бу борада истиқболли майдон деган хулосага келган, натижада, бу майдонларда қидириб топиш ва излаш ишлари олиб борилган.

Шундан кейин, бир неча йиллар мобайнида Қоратепа ва Чакликалян тоғларида ўрганиш ишлари олиб борилиб, бугунги кунга келиб бу майдонларда олдинги ишлар натижасида, Ходжадик кони ва кон атрофида дастлабки ва муфассал баҳолаш ишлари олиб борилмоқда.

А.А.Яковлев томонидан 1953-1954 йиллар мабойнида Зармитан фойдали қазилма майдонида излаш ва баҳолаш ишлари олиб борилган бўлиб, Ғужумсой истиқболли майдонида 1978-1981 йиллар мабойнида Х.С.Тиллаев, Ю.А.Майков, Н.А.Ахмедов ва бошқалар томонидан муфассал изланиш ва баҳолаш ишлари олиб борилиб, конни қазиб олиш жараёни бошланган. 1970 йилда Мирзачўл гидрогеологик экспедицияси томонидан бу майдонларда гидрогеологик ва муҳандис-геологик ўрганиш ишлари олиб борилиб, Зармитан истиқболли майдонининг умумий гидрогеологик ва муҳандис-геологик шароитлари бўйича маълумотлар берилган.

Учинчи параграфда *«Тадқиқот иши олиб борилаётган конлардаги экзоген-геологик жараёнлар»* таҳлил қилиниб, конларда экзоген-геологик жараёнлар, яъни ҳозирги кунда ер юзида тоғ жинсларнинг нураши, ағдарилиши, тўкилиши, сел оқибатида жарликлар ҳосил бўлганлигини учратиш мумкин. Ғужумсой конида 1-шахта атрофида ер юзидан +720м

горизонтгача бўлган масофада ўпирилиш ўпқонлари кенг ривожланиб, катта майдонларни ташкил қилаётганини учратиш мумкин.

Юқоридаги маълумотларни ўрганиш натижасидан шуни хулоса қилиш мумкинки, конларни ўрганиш ва қазиб олишда, албатта олдинги олиб борилган геологик, муҳандис-геологик ва гидрогеологик ишларни кўриб чиқиш ва ўрганиш энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Шунинг учун каттиқ турдаги фойдали қазилма бойликларни қазиб олиш уларнинг турларига, тоғ жинсларнинг ётиш ҳолатига, тектоник ҳаракатларига, тоғ жинсларнинг тарқалиш чуқурлигига, захираларининг кўп-озлигига ҳамда, қазилма бойликлар тарқалган майдоннинг геологик, геологик-тектоник, гидрогеологик, геоморфологик ҳолатига, тоғ жинсларининг физик-механик хосса ва хусусиятларига қараб, очиқ карьерлар ёки ер ости усулда (шахта, штольня)ларда қазиб олиш амалга ошириши белгилаб олинади, бу эса иқтисодий, геологик-иқтисодий ҳамда, хавфсизлик тарафдан кўп жиҳатдан манфаатлидир.

Иккинчи боб «**Ғужумсой ва Ходжадик конининг геологик, гидрогеологик шароити**» деб номланган бўлиб, 2 та параграфдан иборат.

Биринчи параграфда «*Конларнинг геологик тузилиши*» тўғрисида маълумот берилган. Маълумотлар таҳлилига кўра, Нурота-Зарафшон кон минтақасининг жойлашиши келтирилган бўлиб, маъмурий бўлинишига кўра унга Жиззах, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё вилоятлари киради.

Худуд ўз ичига Зарафшон ва Сангзар дарёларини қамраб олади. Нурота тоғ тизмаларининг Шимолий қисмида, Нурота тоғи, Қўйтош, Писталитоғ, Ханбандитоғлар киради, Жанубий қисмида эса Оқтоғ, Қароқчитоғ, Габдитоғлар киради. Шимолий Зарафшон тоғларига Қоратепа Зирабулоқ-Зайиддин тоғлари киради, жанубдан майда Қўшработ, Нурота ва Оросой тоғлари кенг тарқалган.

Тадқиқот райони Тянь-Шан тоғининг Зарафшон тизмаси ғарбий қисмини Қоратепа тоғларини қамрайди. Сиёсий – маъмурий жиҳатдан Қоратепа тоғи Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари худудларига тегишлидир. Геоморфологик хусусиятига кўра Китоб – Шаҳрисабз ва Зарафшон ботиқлари ўртасида жойлашган ўртача баландликдаги тоғлардир.

Зарафшон тизмасини ташкил қилувчи тоғлар қаторига кирган Чакилкалян, Қоратепа ва Зиёвуддин – Зирабулоқ тоғлари Зарафшон тизмасини кенглик йўналиши давомида жойлашган. Унинг Қашқадарё юқори окимидан Тахтақорача довомигача бўлган қисми Чакилкалян тоғи, довондан Жом ботиғигача бўлган қисми Қоратепа тоғи деб номланган. Қоратепа, Чакилкалян тоғларининг денгиз сатҳидан баландлиги 800 дан то 2200 м гача ўзгаради.

Ғужумсой фойдали қазилма кони палеозой интрузивли тоғ жинсларидан ташкил топган бўлиб, бўшоқ неоген-тўртламчи тоғ жинслари ҳам кенг тарқалган, бу ётқизиқларнинг қалинлиги 100м гача қалинликни ўз ичига олади. Конда, асосан, интрузивли граносиенит, сиенит, гранит тоғ жинсларидан ташкил топган бўлиб, юқори плиоцен даврида алевролит, лёссимон тоғ жинслари, шағал, қум ва қумли харсанг тош қатламли тоғ

жинслари кенг тарқалган. Граносиенитларнинг структураси ўрта донадор бўлиб, ранги оч қорамтир кулрангда, ҳар ҳар жойида кам миқдорда темир оксидига учраган. Тектураси ғадир будир, граносиенит дарзланган бўлиб, дарзлар ораси кварц, сульфид толалари учрайди, таркибида 10-95% гача арсенапирит, пирит минераллари учрайди. Тоғ жинсларининг ётиш бурчаги асосан 60-80° гача кенг тарқалган. Бу майдонда тўртламчи ва неоген даври аллювиал-пролювиалли майда шағалли кум ётқиқиқлари ҳам кенг ривожланган.

Ходжадик конида, асосан, доломитли оҳактошлар, гранодиорит, ўзгарган метосоматит, оҳактош, сланец каби тоғ жинслари кенг ривожланган. Доломитли оҳактошлар – кўкимтир кулрангдан кўкимтир қора ранггача, структураси ўрта, кичик донадор, тектураси ғадир-будир нотекс бўлиб, дарзланган, дарзлар орасида кварц ва кальцит томирчалари учрайди.

Гранодиорит – қорамтир кулрангда, структураси кичик донадор, қаттиқ мустаҳкам бўлиб, жуда кучли кварцлашган ва кальцитлашган, дарзлар ораси темир оксидига (асосий минераллари кварц, биотит, албит, дала шпати) учраган.

Ўзгарган метосоматитли гранодиорит – кўк қорамтир кўкиш рангда, структураси ўрта донадор, тектураси қаттиқ зичлашган бўлиб, хлоритлашган ва кварцлашган. Дарзлар орасида сульфид минераллари ва кварц томирларини (асосий минераллари пирит, холькаприт, арсенопирит) учратиш мумкин.

Оҳактош сланецли маъдан горизонти – структураси кичик, ўрта донадор бўлиб, қаттиқ зичдир. Кўк рангда бўлиб, ёриқлар орасида сульфид минераллари, кварц, кальцит томирлари учрайди.

Сланец структураси майда донадор, ташқи кўриниши ғадир-будир бўлиб, қават-қават дарзликларини учратиш мумкин. Дарзликлар орасида кварц, кальций томирлари учрайди.

Иккинчи параграфда «Тадқиқот иши олиб борилаётган майдоннинг гидрогеологик шароити» келтирилиб, Ғужумсой конида ер ости сувлари ривожланиши қуйидагича ҳосил бўлган:

1. Аллювиалли ва аллювиал-пролювиалли юқори тўртламчи давр сувли горизонт комплекси (а Q_{IV} – ар Q_{III});
2. Проллювиалли ўрта тўртламчи давр сувли горизонт комплекси (рQ_{II});
3. Юқори плиоцен сувли горизонтли комплекс (N₂³);
4. Юқори палеозой тоғ жинслари ва ёриқлараро сувли қатлам (γ-Pz);
5. Тектоник ёриқли ва фойдали қазилмалараро ривожланган қатлам.

Ходжадик конида ер ости сувларининг ҳосил бўлиши ва ривожланиши қуйидагича:

1. Ўрта-тўртламчи, юқори тўртламчи аллювиал-пролювиал сувли қатлам комплекси.
2. Плиоцен конларининг сувли қатлами.
3. Палеозой чўкинди жинсларидаги сувлар.

4.Юқори карбон гранодиорит тоғ жинси ёриқлардаги сувлар борлиги аниқланган.

Учинчи боб «**Ғужумсой ва Ходжадик кони тоғ жинсларининг дарзланган структура-тектоник ҳолати ва уларнинг гидрогеологик ва муҳандис-геологик жараёнларига таъсири**» га бағишланган бўлиб, 3 та параграфдан ташкил топган.

Биринчи параграфда «*Тоғ жинсларнинг физик-механик хосса ва хусусиятларига дарзланишининг таъсири*» таҳлил қилинган бўлиб, Ходжадик кони 3-штольня ва бурғи кудуқларидан қуйидаги намуналар олинди: доломитли оҳақтошлар кўкимтир кулрангдан кўкимтир қора ранггача, структураси ўрта, кичик донадор, текстураси ғадир-будир нотекис бўлиб, дарзланган, дарзлар орасида кварц ва кальцит томирчалари учрайди.


Уларнинг солиштирма оғирлиги $2,68 \text{ г/см}^3$ дан $2,85 \text{ г/см}^3$ гача, умумий оғирлиги $2,66 \text{ г/см}^3$ дан $2,84 \text{ г/см}^3$ гача, бу тоғ жинсларининг сувга тўйиниши 0,10% дан 0,33% гача, ушбу тоғ жинсларнинг ғоваклиги 0,28% дан 0,88% гача; тадқиқот майдонидаги тоғ жинсларининг табиий ҳолатдаги мустаҳкамлиги 33,8 МПа дан 139 МПа гача, Протодьяконов бўйича қаттиқлик коэффиценти 3,7 дан 11,5 гача ўзгариши кузатилади. Ғужумсой кони 1-шахта +780м, +720м горизонтларидан олинган намуналарнинг физик-механик кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: литологик таркиби граносиенитларнинг структураси ўрта донадор бўлиб, ранги оч қорамтир кулрангда ҳар ҳар жойида кам миқдорда темир оксидига учраган. Текстураси ғадир-будир, граносиенит дарзланган бўлиб, дарзлар ораси хлоритлашган, беризитлашган, кварц, сульфид толалари ҳосил бўлган, таркибида 10% дан 95% гача, арсенапирит, пирит минераллари учрайди. Тоғ жинслари асосан 60° дан 80° гача бурчак остида кенг тарқалган. Уларнинг солиштирма оғирлиги $2,65 \text{ г/см}^3$ дан $2,84 \text{ г/см}^3$ гача, умумий оғирлиги $2,64 \text{ г/см}^3$ дан $2,81 \text{ г/см}^3$ гача, бу тоғ жинсларининг сувга тўйиниши 0,19% дан 0,64% гача, ушбу тоғ жинсларнинг ғоваклиги 0,35% дан 1,38% гача, тадқиқот майдонидаги тоғ жинсларининг табиий ҳолатдаги мустаҳкамлиги 20,0 МПа дан 121,9 МПа гача, Протодьяконов бўйича қаттиқлик коэффиценти 2,6 дан 10,1 гача ўзгаришини кузатиш мумкин.

Иккинчи параграфда «*Конларни ер ости усулида қазиб олишда гидрогеологик жараёнларнинг таъсири*» ўрганилган бўлиб, бунда конлардаги умумий сув сарфи 0,66 л/с дан 136 л/с гача ўзгариши кузатилиб, кон ишларига таъсири баҳоланган.

Учинчи параграфда «*Ер ости қазиб олиш усули вақтида муҳандислик-геологик жараёнларнинг таъсири*» ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Кон қазиш ишларининг олиб борилишида кон ишлари юқори қисми ва ён деворларидаги тоғ жинсларнинг мустаҳкамлилигини билиш муҳимдир. Кон қазиш ишларида шахта, штольня деворларининг қулаши ва ағдарилиб тушиши ер ости усулда қазиш ишларини бажариш вақтида юзага келадиган энг кенг тарқалган ва хавfli муҳандис-геологик жараёнлардан биридир. Маълумотларни ўрганиш натижасида, шуни таъкидлаш жоизки конларни

муҳандис-геологик шароитларини ўзгаришига қараб майдонларга ажратилди (1-расм).



1-расм. Ходжадик конининг муҳандис-геологик шароитлари ўзгаришини баҳолаш харитаси (Э.Ш.Қурбонов, Ҳисор ДГҚЭ маълумотларидан фойдаланилган, 2020 й). 1 – тўртламчи давр ётқизиғи; Силур давр ётқизиғи; 2 – юқори давр оҳактошлари; 3 – ўрта давр оҳактошлари; 4 – куйи давр доломитлашган оҳактошлари; 5 – алевролит, сланецлар; 6 – гранит тоғ жинслари; 7 – тектоник ёриқлар; 8 – ўзгармаган майдон; 9 – ўртача ўзгарган майдон; 10 – кучли ўзгарган майдон; 11 – тоғ жинсларнинг қулаши; 12 – тоғ жинсларнинг ағдарилиши.

А-муҳандис-геологик шароитлари ўзгармаган майдон тоғ жинслари озгина дарзланган монолит шаклида бўлиб, ўртача ёрилган ва дарзланган. Тоғ жинсларининг дарзланишини 1м^2 майдонларда ўрганиш ишлари олиб борилганда, дарзликларнинг бўшлилик коэффициенти ДБК –0,5% дан 2,0% гача, дарзлар сони 1-2 тагача учрайди, бундай жойларда муҳандис-геологик шароитларнинг ўзгаришлари кузатилмайди.

Б-муҳандис-геологик шароитлари ўртача ўзгарган майдон тоғ жинслари ўртача дарзланган тектоник ёриқлар атрофида, ҳамда ўпирилиш ҳолатлари бўлмаган жойларда учрайди, 1м^2 майдонда 3-5 тагача дарзларни учратиш мумкин. ДБК–2,5% дан 5,0% гача. Тоғ жинсларининг дарзланиши ва физик-механик хосса ва хусусиятлари ўзгаради, янги дарзлар пайдо бўлади, кон казиш ишларида намлик даражаси ортади.


В-муҳандис-геологик шароитлари кучли ўзгарган (муштақкам бўлмаган) майдон тоғ жинслари кучли дарзланган, тоғ жинслари, асосан, майда блокли тектоник бузилишларда учрайди. ДБК –5,0% дан юқори 1м^2 майдонда 5-7 тагача дарзларни учратиш мумкин. Ҳосил бўлган дарзлар бўйлаб ер ости сувлари ҳаракат қилади, натижада шахта деворлари ҳамда кон иншоотлари

ёнбағирларининг мустаҳкамлиги камаяди, дарзлар бўйлаб силжишлар содир бўлади. Бу эса ер остидан фойдали қазилмаларни қазиб олишда қийинчилик туғдиради.

Якуний 4 боб «**Конларни ер остида қазиб олишда муҳандис-геологик гидрогеологик ва шароитининг ўзгаришини баҳолаш**» га бағишланиб, 5 та параграфдан иборат.

Биринчи параграфда «*Литологик петрографик ва физик-механик баҳолаш кўрсаткичлари*» таҳлил қилинган. Литологик петрографик ва физик-механик баҳолашда тоғ жинсларининг физик-механик хосса ва хусусиятлари бу тоғ жинси ҳолатини аниқлайдиган асосий кўрсаткичлардир. Конларни ўзлаштириш бўйича ҳар қандай тадқиқотлар ва изланишларни олиб боришда тоғ жинсларининг физик-механик хосса ва хусусиятларини ўрганиш керак, бу жараёнлар лаборатория ва дала шароити усулларида амалга оширилади. Маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бу конларда тоғ жинслари бир нечта литологик тузилишга эга бўлган минераллардан ташкил топганлиги сабабли, бу тоғ жинсларининг физик-механик хосса ва хусусиятларининг ўзгаришига олиб келади. Ўрганишлар натижасида биз ўрганаётган тадқиқот майдонимиздаги тоғ жинсларини физик-механик хосса ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, мустаҳкамлик даражаси бўйича майдонларга ажратилди.


Иккинчи параграфда «*Конларда бургилаш ҳамда портлатиш техноген ишларининг чуқурлик бўйича муҳандис-геологик ва гидрогеологик ҳолатига таъсири*» баҳоланган (2-расм).



2-расм. Ўпирилиш ўпқонларнинг схематик кўриниши. (Э.Ш.Курбонов, Зармитан ДГҚЭ маълумотларидан фойдаланилган, 2020 й). 1 – неоген, тўртламчи давр ётқизиклари; 2 – граносиенит тоғ жинслари; 3 – маъдан танаси; 4 – кварц таналари; 5– тектоник ёриқлар; 6 – кон иншооти.

Кон худудини жадаллик билан ўзлаштириш вақтида техноген ишлар натижасида содир бўладиган муҳандислик геологик ва гидрогеологик жараёнлар ёритилган.


Учинчи параграфда «Тоғ жинсларнинг дарзлигини аниқлаш ва тоифаларга ажратиши» таҳлил қилинган. Бунда тоғ жинслари дарзларининг йўналишларга (система)ларга ажралиши баҳоланган (3-расм).



3-расм. Кон иншоотида тоғ жинслари дарзликларини системаларга (йўналишларга) ажралиши (Э.Ш.Курбонов, 2020 й). 1 – кам дарзланган; 2 – ўртача дарзланган; 3 – кучли дарзланган; 4 – сланец тоғ жинслари; 5 – доломитлашган оҳақтош тоғ жинслари.

Тўртинчи параграфда «Кон иншоотларида коннинг гидрогеологик шароитини баҳолаш» ишлари келтирилган. Тадқиқот майдонимизда конларнинг гидрогеологик шароити куйидагича Ғужумсой конимизда +720м, +780м, +660м, +600м горизонтларда 2012-2018 йиллар мабойнида ер ости сувларининг сув сарфи кузатиб борилганда, 19,5 л/с дан 136 л/с гача ўзгаришини учратиш мумкин, кондан олинган сувнинг кимёвий таркиби куйидагича: сув гидрокарбонат-сульфат, натрий, калийли бўлиб, қаттиқлиги 2,8-3,20 мг-экв/л гача, минераллашуви 0,2-0,4 мг/л гача бўлган (4-расм).

Ходжадик конида 2016-2019 йиллар мабойнида 3-штольняда гидрогеологик тадқиқот кузатиш ишлари олиб борилганда, умумий сув сарфи, 0,66 л/с дан 50,3 л/с гача ўзгариши аниқланди. Сувнинг кимёвий таркиби: гидрокарбонат-сульфат, калций, натрийли, умумий қаттиқлиги 4,5 мг-экв/л дан 4,8 мг-экв/л гача, минераллашуви 0,2 мг/г дан 0,4 мг/л гача етган. Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, конлардаги сувлар март-апрел ойларига келганда, сув сарфи энг кўп бўлиши аниқланди, натижада тоғ жинслари ёриқларидан чиқаётган сувлар янада кўпайиб коннинг намлилиқ ҳолати ошиб кетишига олиб келинди.



4-расм. Ғужумсой кон иншоотида сув сарфи ўзгаришини ёгингарчилик миқдорига солиштириш графиги.

Бешинчи параграфда «Қазиб олиш жараёнида коннинг муҳандис-геологик шароитларини ўзгаришини баҳолаш» ишлари келтирилиб, бунда кон иншоотида деформация жараёнларини чуқурлик бўйича ўзгариши 1-шахта ва 3-штольняда ўрганиш ишлари олиб борилиб, формула ва жадваллар асосида деформация жараёнларнинг ўзгариши тўлиқ таҳлил қилинган (1-ва 2-жадваллар). Тўпланган маълумотлар асосида, кон иншооти бўйича муҳандис-геологик ва гидрогеологик харита тузилиб (5-расм).


1-жадвал

Тоғ жинсларига тушаётган босимни ҳисоблаш

Тоғ жинсларнинг тоифаларга ажралиши	Мустаҳкамлик даражаси	Тоғ жинсларнинг Номланиши	Қучнинг икланиши (улашиши), С	Ички ишқаланиш бурчаги, φ	f - кўрсаткичи бўйича мустаҳкамлик даражаси, (М.М.Протождьяков)	Пуассон коэффиц иенти, μ
III	Мустаҳкамлиги Юқори	Граносиенит Гранодиорит	15-16	51-56	8,6-10,1	0,13
IV	Ўртача Мустаҳкам	Доломитлашган Оҳактош	15	52	5,8	0,14
V	Мустаҳкам	Дарзланган граносиенит, оҳактош ва сланецлар	6-5	44-45	2,7-3,0	0,15-0,16

Тоғ жинслари табиий ҳолатда бўлганда кон иншооти юқори қисмининг мустаҳкамлик кўрсаткичларини баҳолаш

Горизонтнинг мутлоқ баландлиги	Тоғ жинсларининг номланиши	Кон атрофи баландлигидан кон иншоотигача бўлган масофа, м	Тоғ жинслари табиий ҳолатда ўлчанганда мустаҳкамлик коэффициентини «S»	Кон иншооти юқори қисми деворларининг мустаҳкамлик даражаси бўйича тоифаларга ажралиши	Мутлоқ баландликдан кон иншоотигача бўлган масофа, м	Тоғ жинслари табиий ҳолатда ўлчанганда мустаҳкамлик коэффициентини «S»	Кон иншооти юқори қисми деворларининг мустаҳкамлик даражаси бўйича тоифаларга ажралиши
<i>Ходжадик кони</i>							
+1286	Доломитлашган оҳақтошлар	164	5,1	Юқори мустаҳкамликда	264	3,1	Юқори мустаҳкамликда
	Дарзлашган оҳақтошлар	164	1,7	Кам мустаҳкамликда	264	1,5	Кам мустаҳкамликда
	Гранодиорит	164	4,1	Юқори мустаҳкамликда	264	3,1	Юқори мустаҳкамликда
<i>Ғужумсой кони</i>							
+720	Нурашга учраган граносиенит	230	0,7	Паст мустаҳкамликда	250	0,64	Паст мустаҳкамликда
	Граносиенит	230	3,7	Юқори мустаҳкам	250	3,3	Юқори мустаҳкам



5-расм. Ғужумсой кон иншоотини ўзлаштиришда муҳандис-геологик ва гидрогеологик шароитлари ўзгаришини баҳолаш харитаси. (Э.Ш.Курбонов, Зармитан ДГҚЭ маълумотларидан фойдаланилган, 2019 й). 1 – маъдан танаси; 2 – ёриқлар зонаси; 3 – кон иншооти плани; 4 – мустаҳкамлагич ўрнатилган жойлар; 5 – ер ости сувларининг минераллашуви; 6 – ер ости сувларининг минераллашуви ва градацияга бўлиниши; 7 – ер ости сувларининг кимёвий таркиби; 8 – кон иншоотида гидрогеологик ва муҳандис-геологик шароити бўйича участкаларга бўлиниши (куруқ ҳолатда) 9 – ўртача намланган;

10 – жуда кучли намланган; 11 – кон иншоотидаги томчилар; 12 – кон иншоотидаги сув оқими; 13 – кон иншоотида сув оқимининг йўналиши; 14 – тоғ жинслари дарзларини ўрганган жой; 15 – тоғ жинсларнинг кулаши; 16 – тоғ жинсларнинг тўкилиши; 17 – тоғ жинсларнинг ағдарилиши; 18 – тоғ жинсларнинг нураши; 19 – тоғ жинсларнинг сувлилик физик хосса хусусиятлари, Сол. оғ – солиштирама оғирлиги $г/см^3$, Ум.оғ – умумий оғирлиги $г/см^3$, С.т.х – тоғ жинсларнинг сувга тўйиниши %, Т.ж.ғ – тоғ жинсларнинг ғоваклиги %; 20 – тоғ жинслари намуналарининг физик-механик хосса ва хусусиятлари, Рм.т.б.а – Тоғ жинсларнинг мустаҳкамлигини тортилиш бўйича аниқлаш (МПа), Рт.х – Табiiй ҳолатдаги мустаҳкамлиги (МПа), Рс.т.х – сув таъсир қилгандаги мумтаҳкамлиги (МПа), П.б.к.д – Продьяконов бўйича қаттиқлик даражаси, Т.ж.б.к – Тоғ жинсларнинг бўшлилик коэффициентлари (%).

ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқотларни бажарилиши натижасида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Тоғ жинсларининг ҳосил бўлиши минералларнинг йиғилиши ва таркиби билан белгиланади. Тоғ жинсларнинг таркибидаги минераллардан кварц энг юқори мустаҳкамликка эга экан. Кварц минералининг мустаҳкамлиги 50 МПа дан юқорилиги, дала шпатлари, пироксенлар, шохалдамчи ва бошқа минералларининг мустаҳкамлиги эса 20 МПа дан 50 МПа гача эканлиги аниқланди.

2. Бурғи қудуқларда тоғ жинсларнинг чуқурлик бўйича мустаҳкамлик даражасининг ўзгаришини баҳолашнинг янги ўрганиш талқини таклиф этилди, яъни **RQD (Rock Quality Designation)**.

3. Тоғ жинсларнинг мустаҳкамлик даражаси (f – кўрсаткичи бўйича) кучли дарзланган граносиенит, оҳактош ва сланецларда 2 дан 7 гача, граносиенит, доломитлашган оҳактошлар, гранодиоритларда эса 5 дан 10,1 гача эканлиги аниқланди, Пуассон коэффициентлари (μ) бўйича тоғ жинсларига тушаётган кучланиш кучининг қийматлари граносиенит ва гранодиоритларда – 0,13, дарзланган граносиенитларда – 0,16, доломитлашган оҳактошларда – 0,14, оҳактош ва сланецларда – 0,15 бўлиши аниқланди.

4. Кон иншоотининг юқори қисми деворларида тоғ жинсларнинг потенциал коэффициент мустаҳкамлиги S -кўрсаткич бўйича ўзгариши баҳоланганда, табиий ҳолатда тоғ жинслари кўрсаткичлари 1,7 яъни, кам мустаҳкамликдан дан 5,1 юқори мустаҳкамликгача, сув таъсир қилганда, жуда кучли дарзланган граносиенит тоғ жинсларининг мустаҳкамлик кўрсаткичи 0,47 яъни, мустаҳкам эмас ҳолатга учраши аниқланди.

5. Босим кучи таъсир қилганда дарзланган сланец, оҳактошлар, жуда кучли дарзланган граносиенит тоғ жинсларида ички ишқаланиш бурчаги (ϕ) 45° гача бўлганда, қаттиқ мустаҳкам доломитлашган оҳактош, гранодиорит, граносиенит тоғ жинслари учун эса ички ишқаланиш бурчаги **50** дан ошганда, тоғ жинслари парчаланиб деформация жараёни юз бериши аниқланди, дарзланган сланец, оҳактошлар, кучли дарзланган граносиенит тоғ жинсларида ушлаб қолиш кучининг тикланиши (C) **6 МПа** гача, қаттиқ, зич мустаҳкам доломитлашган оҳактош, гранодиорит, граносиенит тоғ жинсларида эса ушлаб қолиш кучининг тикланиши **15 МПа** дан **16 МПа** гача

бўлиши аниқланди.

6.Конларнинг гидрогеологик шароити ўзгаришига кўра, Ғужумсой кони тоғ жинслари ёриқларида сув сарфи 10-15л/с, Ходжадик конида 0,012-0,15л/с гача сув чиқиши кузатилди, эски қазиб ўтилган бурғи қудуқларидаги сув сарфи эса 2-3л/с гача сув чиқиши аниқланиб, бу қудуқлар орқали ўз навбатида, пастки маъданли қатламларга сувнинг сизилиб ўтилишига (тўйинтиришга) имконият яратилиши аниқланди, бу эса кейинчалик конларни чуқурроқ қазиб олиш ишларида қийинчиликларни туғдиради, натижада қазиб олиш сифат самарадорлиги камайиб кетилишига олиб келади.

7.Кон иншоотларида тектоник ёриқлар ва дарзлар параллел ва диагонал йўналиш бўйлаб ривожланган бўлиб, ёриқлар ва дарзларнинг азимут йўналишлари асосан, 250° дан 360° гача, ётиш бурчаги эса 60° дан 80° гача бурчак остида кенг тарқалганлиги аниқланди.

Конларда муҳандис-геологик жараёнларни иккита усул бўйича баҳолаш харитаси тузилди, биринчи баҳолаш усулида ер ости усулида конларни ўзлаштириш жараёнида муҳандис-геологик шароитларини ўзгариши ривожланишига қараб **ўзгармас, ўзгарувчан, кучли ўзгарувчан** ҳудудларга ажратиб районлаштириш харитаси тузилди. Иккинчи усулда – конларда тоғ жинсларнинг муҳандис-геологик шароитининг чуқурлик бўйича ўзгаришини баҳолаш харитаси тузилди, бу хариталар асосида келажакда шу конларнинг чуқур горизонтларида ёки шунга ўхшаш конларда иш олиб борилса, кон қазиш ишлари самарадорлиги 16,9% ошиши ҳисобланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 24/30.12.219.GM.96.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ГИДРОГЕОЛОГИИ И
ИНЖЕНЕРНОЙ ГЕОЛОГИИ**

ИНСТИТУТ ГИДРОГЕОЛОГИИ И ИНЖЕНЕРНОЙ ГЕОЛОГИИ

КУРБАНОВ ЭЛБОЙ ШАВКАТОВИЧ

**ИЗМЕНЕНИЯ ИНЖЕНЕРНО-ГЕОЛОГИЧЕСКИХ УСЛОВИЙ ПРИ
ПОДЗЕМНОЙ РАЗРАБОТКЕ МЕСТОРОЖДЕНИЙ (НА ПРИМЕРЕ
ГУЖУМСАЙСКОГО И ХОДЖАДИКСКОГО МЕСТОРОЖДЕНИЙ)**

04.00.04 – Гидрогеология и инженерная геология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером № В2021.4.PhD/GM120.

Диссертационная работа выполнена в Институте гидрогеологии и инженерной геологии.


Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.hydroengeo.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Каюмов Абдубаки Джалилович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Исмаилов Вахидхан Алиханович доктор геолого-минералогических наук, профессор Туляганов Баходиржон Исмаилович кандидат геолого-минералогических наук с.н.с
Ведущая организация:	ГУП «Узбекгидрогеология»

Защита диссертации состоится «29» сентября 2022 года в 10 часов на заседании Научного совета (PhD) 24/30.12.2020.GM.96.01 при Институте гидрогеологии и инженерной геологии (Адрес: 100041, г.Ташкент, ул.Олимлар, дом 64, Тел.: (+99871) 262-75-92; факс: (+99871) 262-75-92; e-mail: gidro_ilmkeng@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в библиотеке Института гидрогеологии и инженерной геологии Госкомгеологии РУз (зарегистрировано за № 50). (Адрес: 100041, г. Ташкент, ул.Олимлар, дом 64, Тел.: (+99871) 262-75-92, Факс: (+99871)262-62-15, e-mail: gidro_ilmkeng@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «10» сентября 2022 года.
(реестр протокола рассылки №5 от «10» сентября 2022 года).



С.А.Бакиев
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., профессор

М.Р.Жураев
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.г.-м.н. (PhD)

И.Х.Хабибуллаев
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всех странах мира большое значение имеют вопросы прогнозирования и ликвидации последствий техногенных процессов, которые могут возникнуть вследствие изменения инженерно-геологических и гидрогеологических условий в период освоения месторождений полезных ископаемых. В связи с этим принимаются меры по оценке техногенных процессов, формирующихся в месторождениях полезных ископаемых, которые решаются путем комплексных исследований, своевременного прогнозирования и снижения последствий процесса. Исследования по оценке техногенных процессов, ожидаемых при разработке месторождений, способствуют социально-экономическому и устойчивому развитию стран с месторождениями полезных ископаемых.

Во всем мире проводится ряд научных исследований по оценке техногенных процессов, происходящих при освоении месторождений полезных ископаемых. Уделяется особое внимание разработке инженерно-геологических и гидрогеологических моделей различных месторождений, оценке их техногенных процессов с учетом горных пород, совершенствованию методики определения ожидаемых техногенных процессов при открытых и подземных разработках и картированию, местности месторождений по инженерно-геологическим и гидрогеологическим показателям.

В нашей стране достигнуты определенные успехи в проведении инженерно-геологических и гидрогеологических изысканий для безопасной, эффективной и качественной подземной добычи полезных ископаемых. В частности, на основе определения инженерно-геологических и гидрогеологических факторов оценены крупные месторождения Навоийской, Самаркандской, Сурхандарьинской и Ташкентской областей. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан указано: что «для ускорения социально-экономического развития, повышения уровня жизни и доходов населения необходимо обеспечение комплексного и эффективного использования природных и минеральных ресурсов каждого региона»¹. В связи с этим при подземной разработке месторождений важное значение имеет выявление и оценка процессов изменения инженерно-геологических и гидрогеологических условий, а также создание модели инженерно-геологического и гидрогеологического изученности месторождений полезных ископаемых.

В определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-3578 от 1 марта

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

